

## Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

### ШАРТНОМА № 27775

Тошкент ш.

2022 йил 20 06

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ЛОКОМОТИВ-ПРОЕКТ” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-001268-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Ильхамов Д. Б. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 16 июн 99671-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

#### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани 26-сон оилавий поликлиникани мукамал таъмирлаш. (Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш)” объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиха;

- жорий нархлардаги смета ҳисоби;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойихалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нухсада мазкур лойиха ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

#### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан **(ҚҚС билан) 80 500 000 (Саксон миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажарувчи куйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва

қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## **5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ**

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги факлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга кирилади ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING

КОМПАНИYA” ДУК

Юридик манзили:  
100027, Тошкент ш. И.Каримов кўчаси,  
16а-уй. 100021860262777072120054016



### БАЖАРУВЧИ

“ЛОКОМОТИВ-ПРОЕКТ” МЧЖ

Адрес: Тошкент ш. Эски-Саракул к-си. 3 уй, 41 кв

Телефон: +99890 167 11 01

Р/с: 20208000904523931001

Узсаноатқурилишбанк Миробод ф-ли

МФО 00405

ИНН 206686861 ОКЭД 71110

Директор



Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани 26-сон оилавий поликлиникани мукамал таъмирлаш.(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича  
Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг  
БАЁНИ

**Комиссия аъзолари:**

С. Сағдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Ҳамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Холмаматова М.	-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

**КУН ТАРТИБИ**

“Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани 26-сон оилавий поликлиникани мукамал таъмирлаш.(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Ҳамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 07 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 99671 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ЛОКОМОТИВ-РТОЕКТ” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:


## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 16 июндаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани 26-сон оилавий поликлиникани мукамал таъмирлаш.(Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “ЛОКОМОТИВ-РТОЕКТ” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


### Комиссия аъзолари.

  
\_\_\_\_\_ С. Сағдиев

  
\_\_\_\_\_ Ш. Қодиров

  
\_\_\_\_\_ О. Хамидов

  
\_\_\_\_\_ П. Абдусатторов

  
\_\_\_\_\_ М. Холмаматова



№	Объект	Курш	Объем	01.01.22 г.	01.01.22 г.	01.01.22 г.	2022 йил учун капитал қўйималар дивиденди			2022 йилда фойдаланишга топширилган			01.01.23 г.	01.01.23 г.	Экспортга хўросиет пазани на солиши	Тендер (таълим) дивиденди	Тамкилот номи			
							Жами капитал қўйималар	Курш - монтаж ишлари	Жискоз	Жами	Бўрозлачи боши хароқатлари	Қурагилу див						Асосий фонд	01.01.23 г. ҳолатида йилдаги	01.01.23 г. ҳолатида йилдаги
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
7	Омдарор туъани 2л-сон оқшавай поликлинаника реконструкция килиш	2022й	Объект					201,500				201,500		Объект						Тендер
8	Учсуда туъани Туъани кул таркоки марказий поликлинаника реконструкция килиш	2022й	Объект					200,100				200,100		Объект						Тендер
9	Учсуда туъани 23-сон оқшавай поликлинаника муъамал таъмирлаш	2022й	Объект					92,500				92,500		Объект						Тендер
10	Бесталар туъани Туъани кул таркоки марказий поликлинаника реконструкция килиш	2022й	Объект					201,500				201,500		Объект						Тендер
11	Чилансор туъани 36-сон оқшавай поликлинаника реконструкция килиш	2022й	Объект					201,500				201,500		Объект						Тендер
12	Маробод туъани 1-сон оқшавай поликлинаника реконструкция килиш	2022й	Объект					201,500				201,500		Объект						Тендер
13	Янгисаг туъани Туъани кул таркоки марказий поликлинаника реконструкция килиш	2022й	Объект					201,500				201,500		Объект						Тендер
14	Яксарой туъани Туъани кул таркоки марказий поликлинаника асосий бинасини реконструкция килиш	2022й	Объект					201,500				201,500		Объект						Тендер
15	Яксарой туъани 58-сон оқшавай поликлинаника муъамал таъмирлаш	2022й	Объект					92,500				92,500		Объект						Тендер

№/п/р	Объектлар номи ва мазмуни	Қурилиш бошланғич фаёдалиги	Дойкоқ қурилиш	Объектнинг ўқувчи қабати (шартинома асосида) жумладан, бошқа хилофатлари	01.01.22 й. ҳолатига қадар қурилган объект қолдиқ	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ ш қолдиқ	Жади шартда қўйилмашар	2022 йил учун шартда қўйилмашар ливити				2022 йилда фаёдалигишга топширилдилик		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қабати жумладан, бошқа хилофатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ ш қолдиқ	Эшқуртша қувовдан рақамли ва санлиси	Тендер (Тендер)лар ливитишга бўйича беънома рақамли ва санлиси	Ташкилот номи	
									Қурилиш - монтаж ишлари	Жикоз	Буюрмаларни бошқа хилофатлари	Жачи	жумладан, санлиси хилофатлари	Қувагилуу дилат						Ассоний фонд гуралик
16	Йилсобоқ гуралик 30-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		92.500			92.500			92.500								Тендер	
17	Йилсобоқ гуралик 31-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		201.500			201.500			201.500								Тендер	
18	Йилсобоқ гуралик 32-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		201.500			201.500			201.500								Тендер	
19	Шайқонтоҳур гуралик 42-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		201.500			201.500			201.500								Тендер	
20	Йилсобоқ гуралик 97-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		90.400			90.400			90.400								Тендер	
21	Йилсобоқ гуралик 307-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		113.500			113.500			113.500								Тендер	
22	Йилсобоқ гуралик 366-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		113.500			113.500			113.500								Тендер	
23	Йилсобоқ гуралик 235-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		113.500			113.500			113.500								Тендер	
24	Йилсобоқ гуралик 191-сон оқиланй полкисинивисони йилсобоқ таъмирлаш		Объект		113.500			113.500			113.500								Тендер	



№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланғичи ва фойдаланиш учун топшириш йили	Локация	Объектнинг ушул учун келишти (шартнома асосида) жузидан, бюджетли, бошқа, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик	01.01.22 й. ҳисобига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (йил) жузидан, бюджетли, бошқа, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик	01.01.22 й. ҳисобига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (йил) жузидан, бюджетли, бошқа, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик	2022 йил учун капитал сўғиналар даражаси					2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳисобига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (йил) жузидан, бюджетли, бошқа, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик	01.01.23 й. ҳисобига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (йил) жузидан, бюджетли, бошқа, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик, хўжалиқчилик	Экспортга (Ташқи) мақсадда экспорт қилинган рақам ва саноат	Ташқиот номи	
							9	10	11	12	13	14	15					16
34	Ушсула тумани "Тушан санитариya эмпириология" боёқлаштирилган ва жамоат саломатлиги хизмати боёқлаштирилган мурамада таъмирлаш	2022й	Объект				91,000											Ташқиот
35	Юсуфобод тумани "Тушан санитариya эмпириология" боёқлаштирилган ва жамоат саломатлиги хизмати боёқлаштирилган мурамада таъмирлаш	2022й	Объект				91,000											Ташқиот
36	Яшнобод тумани "Тушан санитариya эмпириология" боёқлаштирилган ва жамоат саломатлиги хизмати боёқлаштирилган мурамада таъмирлаш	2022й	Объект				91,000											Ташқиот



"Келишилди"  
 Овқат-Ташқиот ва Жамоат Саломатлиги Хизмати Боёқлаштирилган  
 И.И.Исмаилов  
 2022 й.

*(Handwritten signature)*